



КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШДА ИНТЕЛЛЕКТ ДИНАМИКАСИ МАСАЛАСИ

Усманова Шоира Джумабековна

п.с. ф. н.

ЎзМУ Педагогика ва умумий психология
кафедраси доценти

Аннотация: Мақолада талаба касбий шаклланиши жараёнида ижтимоий фаоллик ва интеллект ривожланиши динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўрганилиб, психологик-педагогик ёрдам берадиган, касбий шаклланишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этувчи ва тизимлаштирилган тадбирлар характеридаги модул ишлаб чиқилганлиги тахлил этилиб, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган, давр талабига мос, рақобатбардош, ижтимоий фаол ва юқори интеллектуал салохиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлиги асослаб берилган.

Таянч сўзлар: касбий шаклланиш, ижтимоий фаоллик, интеллект, ақлий қобилиятлар, ижтимоий ва эмоционал интеллект, эмпатик қобилиятлар, интеллект динамикаси, интерфаол методлар, ижтимоий фаоллик.

Аннотация. Динамика социальной активности и интеллекта в процессе профессиональной формирования. В статье изложены социально-психологические особенности динамики развития интеллекта и социальной активности в процессе профессионального формирования студента, разработан модуль, который оказывает психолого-педагогическую помощь, устраняет проблемы в профессиональном формировании, имеет систематизированный характер мероприятий.

Ключевые слова: социальнқй активность, интеллект, умственная способность, социальный и эмоциональный интеллект, способность к эмпатии, психодиагностика, динамика интеллекта.

Annatation. Analysis and dynamics intellect of student's. In a result intellect of students in psychology. It was reached in process researching social-psychological quality of dynamic's developing, maintenanceits organization, ways, forms, methods, and also were elaborated theoretical approaches, directed at solving problem, scientific hypothesizes, conceptions, elaborated scientific-methodical recommendations. These approaches can be used on planning work sections and youthful organizations, at determining contents of textbooks, educational- methodical work of higher educational institutions.

Key words: intellect, sensible skills, social and emotional intellect, ability for empathy, psycho diagnosis, intellects dynamics

2021-йил 17-август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров саволларига жавоблари юзасидан “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” номли интервьюси эълон қилинди. Интервьюда 2016-2021-йилларда жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда олдимизда турган устувор вазифалар ҳақида чуқур таҳлилий маълумотлар акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021-йилнинг 20 августида тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан очиқ мулоқот ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Мазкур тадбирдаги маърузада ёшлар учун дастуруламал бўладиган илғор фикрлар илгари сурилди.

Албатта, ушбу маърузада Янги Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифалар акс эттирилган. Зеро инсониятнинг энг буюк ғояларидан бири - шахснинг эркинлиги ва унинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши ғояси ҳисобланади. Зотан, эркин шахс, эркин халқ, яратувчанлик, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишларига, илму-фанда, маданиятда ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол ҳаракат қилишга ҳамда кўзланган мақсадларга эришишга қодирдир.

Ҳозирги даврда жамият тараққиётида юз бераётган кескин ўзгаришлар сифат жиҳатидан янги ва нисбатан мураккаб бўлган вазифаларни қўяди, бунда шахс интеллектининг ривожланиш даражаси, унинг ақлий имкониятлари регулятори, ахлоқий жиҳатлар алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, ушбу хусусиятлар талабалик даврида қай тарзда намоён бўлади ва таркиб топади?

Тадқиқотларда талабалар деганда, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян қоида, махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири - ижтимоий етукликнинг жадал суръатлар билан рўёбга чиқишидир. Бундай етуклик шахсдан зарур ақлий қобилиятни, ҳаёт ва фаолиятда бажариладиган турли ролларни эгаллашни талаб қилади. Айниқса, ақлий етуклик (камолот) муҳим аҳамият касб этади. Талабанинг дарсларга ўз вақтида қатнашиши, берилган вазифаларни бажариши, интеллект ривожини динамикасига негиз бўла олмайди, бу эса ақлий тараққиётни диагностика қилиш учун етарли эмасдир.

Талабаларнинг касбий шаклланишида интеллект динамикасини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ҳамда педагогик инновацияларнинг, ижтимоий интеллект динамикасига таъсирини аниқлаш ва талаба касбий шаклланишида интеллект динамикаси тизимли модулини таҳлил этишдан иборат.

Ёшларнинг ижтимоий интеллектини табиатини тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш бугунги кун талаби бўлиб, баркамол авлод тарбиясида, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ва касбий шаклланишида ижтимоий интеллектни аниқлаш усуллари чуқур ўрганиш ва динамикасининг хусусиятларини таҳлил этиш муҳимдир. Масалани ўрганишда суҳбат, кузатиш, савол-жавоб, анкеталар, талабаларнинг таълим жараёнидаги интеллектуал салоҳиятини кузатиш, ақлий қобилиятини аниқлашга қаратилган Дж.Равеннинг “Прогрессив матрицалар” методи, В фактор билан боғлиқ сўзлар билан ишлаш имконияти мураккаб мантиқий муносабатлар ва мавҳум алоқадорликни тушунишлари “Мураккаб

аналогиялар” тести, тушунчалар билан боғлиқ масалаларни ечишда қандай тафаккур етакчилик қилишида ”Муҳим белгиларни ажратиш” тести, ахборотларни кўриш орқали қайта ишлаш ва мантиқий хулосалашда “Визуал интеллектни ўрганиш” тести ҳамда амалий интеллектнинг ривожланганлик даражасини баҳолашда эса “Амалий интеллектни ўрганиш” тестлари фойдаланилди. Бундан ташқари Дж.Гилфорд ва М.Салливеннинг “Ижтимоий интеллектнинг диагностикаси” методикаси, В.В.Бойконинг “Эмпатик қобилиятлар даражаси диагностикаси” методидан фойдаланилди.

Интеллектнинг қуйидаги икки турига эътибор қаратадиган бўлсак, абстракт интеллект - бу абстракт, вербал ва математик белгиларни тушуниш ва уларнинг ёрдами билан турли ақлий ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятини билдиради, ижтимоий интеллект - одамларни тушуниш ва улар билан муносабатларга киришиш қобилиятидан иборат.

Ижтимоий интеллект одамларни тўғри баҳолай билиш, уларнинг хулқини тўғри башорат қилиш ва шундан келиб чиққан ҳолда улар билан муносабатга киришиш қобилияти деб тавсифлаш мумкин. Бошқа одамларни яхши тушунишни таъминловчи бир қатор сифатларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу сифатлар таркибига ижтимоий интеллект алоҳида қобилият сифатида киритилган. 1960 йилларда ижтимоий билиш ва коммуникатив компетентликка оид ишлар пайдо бўла бошлади. Шу йилларда умумий перцепция муаммосига-одамларнинг бир-бирларини тушунишларига катта эътибор қаратилган ва ҳосил бўлган ижтимоий интеллектнинг табиати ва таркиби тўғрисидаги концептуал тасаввурлар асосида уни ўрганишнинг методик аппаратини яратишга уринганлар (Ж.Гилфорд, Д.Кит, Н.Кентор ва бошқалар).

Ижтимоий интеллектни ўлчашга мўлжалланган биринчи ишончли тестни яратган Ж.Гилфорд уни умумий интеллект омилидан мустасно тарзда ва энг аввало хулқ-атворга оид ахборотларни тушуниши билан боғлиқ бўлган интеллектуал қобилиятлар тизими сифатида ўрганган.

80-йилларда Д.Кит томонидан яратилган тестлар ахлоқий ёки одоб билан фикрлашни баҳолашга мўлжалланган эди. М.Форд ва М. Тисак интеллектни баҳолашнинг негизида муаммоли ҳолатларнинг тўғри ечимини топиш ётишини таъкидлайдилар. Улар ижтимоий интеллект ижтимоий ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ментал қобилятларнинг аниқ ва мутаносиб гуруҳини ўз ичига олишини кўрсата билдилар. Бу қобилят гуруҳи эса ўз ўрнида “формал” тафаккур асосини ташкил қилувчи ва “академик” интеллект тестлари билан текширилувчи қобилятлардан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаларидан бири узок муддатли ўзаро муносабатларни шакллантиришдир. Ўзаро муносабатларнинг даражаси ва характерини тушунган ҳолда келажакда бир-бирига ижобий таъсир ўтказиш ва муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ижтимоий интеллект муайян вақт учун асаб-психик ҳолатни, ижтимоий муҳит омилларини ва ижтимоий муносабатларнинг қанчалар муваффақиятлилигини аниқлайди, шунингдек уни энергия конценерациясини талаб қилувчи, эмоционал зўриқиш, стресс ноқулайликлари, фавқулотда ҳолатларда ҳамда шахс инқирози ҳолатларида сақлаш имкониятини беради.

Ижтимоий интеллектнинг фавқулотда юз берадиган инқирозлар, узок чўзиладиган стресслар, ўз-ўзига бўлган хурматни тушуниб етиши ҳолатларида ёрдам берувчи мобилизацион функцияси жуда муҳим ҳисобланади. Ижтимоий интеллект инсонлар ўртасидаги муносабатларда содир бўладиган ходисаларни прогноз қилиш ва уларга тайёр туриш имкониятини беради ҳамда психологик зўриқишларга бўлган бардошни мустаҳкамлайди.

Агрессивлик одамлар билан рисоладагидек муносабатга киришишда тўсиқдир. Негативлик, танқидий фикрлар, бировнинг ютуғини кўролмастик, тез-тез ҳафа бўлиш, бундай тоифа одамларга хосдир. Авторитарлик ва агрессивлик – коммуникатив билимларнинг камлиги ва тажрибасизлик, уялиш ва ёпиқликка нисбатан одамлар билан тил топишиш ва ўзаро муносабатларга киришишни тўсиб қўювчи нисбатан кучлироқ омиллардир.

Умуман, ижтимоий интеллектнинг ёшга қараб ўсиб боришини кузатишимиз мумкин. Бунинг сабаби талабалар айнан олийгоҳларда тахсил олаётганликлари билан белгиланиши мумкин. Чунки талабалар ўқишнинг дастлабки йилларидаёқ инсон-инсон касб соҳасининг хусусиятларини ўрганиб борадилар. Олий таълим стандарти талабадан шуни талаб қилади. Тадқиқот натижаларига кўра, биринчи босқичларнинг ижтимоий интеллектини ўрганиш методикалари бўйича кўрсаткичларида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш мезони билан вербал экспрессияни тушуниши ҳамда шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш омиллари ўртасида корреляцион муносабат кузатилди. Сўнгра вербал экспрессия ва шахслараро ўзаро таъсирлашувни ташкил этиш омиллари ўртасида ҳам корреляцион муносабат кузатилишига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолат 1-босқич талабаларида “Мен” конценцияси ва “Мен” тимсоли яхши шаклланганлигини кўрсатади. Улар одамлар ўртасидаги қийин ҳолатларни, вазиятларнинг шаклланишдаги мантиқини тушунадилар, бошқа кишиларни бу ҳолатга жалб этилса, бу ҳолатнинг ўзгариши моҳияти нималардан иборат эканлигини ҳис этадилар. Биринчи босқичлар ижтимоий интеллект ривожланишида учрайдиган камчилик уларнинг хулқ-атвори тушуниш қобилиятларини яхши шакллантирмаганликларидадир. Иккинчи босқичларнинг ижтимоий интеллект кўрсаткичлари муносабатлари таҳлилида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ўз ўрнида яхши ривожланганлиги новербал хулқ-атвори тушуниш, вербал экспрессияларни тушунишга олиб келган. Улар атрофдагиларга нисбатан эътиборлик билан қарашга ҳаракат қилар эканлар. Учинчи босқичларда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятлари тушуниш омили ва шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш омиллари бир-бирини тақозо қилади ва корреляцион алоқа мавжуд. Новербал ва вербал экспрессияни тушуниш лаёқати кузатилади. Тўртинчи босқич талабалари эса ўзларининг яхши натижаларини намоён қилганлар. Умумий натижаларда жуда кўп

корреляцион муносабатлар кузатилган. Тадқиқот натижасида талаба касбий шаклланишида интеллект динамикасининг тизимли модули ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда қуйидагича хулосага келиш мумкин: Ёшларнинг ижтимоий интеллекти табиатини тадқиқ этиш, илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш бугунги кун талаби бўлиб, баркамол авлод тарбиясида, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ва касбий шаклланишида ижтимоий интеллектни аниқлаш усуллари чуқур ўрганиш ва динамикасининг хусусиятларини таҳлил этиш муҳимдир; Ёшларнинг шахсларо муносабатларида интеллектуал қобилиятлари бирлигида ижтимоий муҳитни, суҳбатдошларни хатти-ҳаракатлари, шахсий фазилатларини, кечинмаларини баҳолаш имкониятлари қонуният жиҳатидан мустаҳкам боғлиқдир; Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикр ва ниятларини тушуниш қобилиятига эгалик ижтимоий интеллектнинг ўсишига ҳам, мураккаб мантиқий муносабатларни тушунишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, тушунчаларнинг муҳим ва номуҳим жиҳатларини фарқлай олишни ахборотларни кўриш орқали қайта ишлаш имкониятларининг ўсишига олиб келиб, ёшларнинг касбий ва шахсий камолотида ўз -ўзини намоён этишида кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -204б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. -306 б.
3. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари Янги Ўзбекистон газетаси / № 165 (421), 2021-йил 17 август.
4. Ғозиев Э.Ғ. Талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти.- Т.:Ўқитувчи, 1983.

5. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. -Т.:Ўқитувчи, 2010 йил. 126 б.
6. Abdullajonovna A. G. Spiritual and moral criteria of student education
//ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021.
– Т. 11. – №. 9. – С. 38-42.
7. Абдуллаева Г. А., Аллярова С. Н. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ
КВАЛИМЕТРИК МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР
//Современное образование (Узбекистан). – 2021. – №. 12 (109). – С. 63-70.